

Da'vat

Хар тунунг кадр
ўлубон,
Хар кунунг ўлсун
Наврўз!

Алишер НАВОЙЙ



Ma'rifaat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЭИЭЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 21 март, чоршанба Баҳоен сотувда эркин нархда № 22 (7321)

Kuch - bilim va tafakkurda

Ibrat

Наврўз байрамида мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига Президентимиз номидан совға-салом улашиш яхши анъанага айланган. Наврўз арафасида пойтахтимиздаги 21, 23, 24, 30, 104-Меҳрибонлик уйлари болаларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари томонидан ана шундай совғалар — кийим-кечаклар, ўқув қуроллари ва китоблар топширилди.

ДИЛФУЗАНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Халқимизнинг севимли байрами — Наврўз арафасида мамлакатимизга Япониядан ажойиб хушхабар келди. Унда Хиросимада ўтказилган Халқаро болалар асарлари танловига АКШ, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Австралия каби давлатлар ҳамда Япониядан юборилган 6 мingga зийед расм орасида Ўзбекистон Бадий академияси Анджон вилоят лицейи ўқувчиси Дилфуза Матбобоева «Махаллада тўй» асари учун танловнинг биринчи Соврини ва Хиросима шаҳри мэри Тадатоси Акибаннинг Фахрий Дипломи билан тақдирлангани айтилган эди.

Дилфузанинг онаси — Анджон вилояти Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида яшовчи Тожибар Матбобоева ўз қувончини билдириб Президентимиз Ислам Каримовга мактуб йўллади.

У ўз хатида отасиз ўсгани, 18 ёшида онасидан ҳам айрилиб қолгани, ҳаётда кўп қийинчилик кўргани, айна вақтда тўрт фарзанд тарбиялаётгани, улардан икки нафари расмликка ихтисослашган лицейда ўқиётгани ҳақида ҳикоя қилади. Қизи Дилфуза — чекка бир қишлоқдаги оддий оила фарзандининг бундай муваффақиятга эришиши буюк истиклол берган имкониятлар тўғрисида, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юриётган халқпарвар сиёсат шарофатидан эканлигини алоҳида таъкидлаб, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кўрсатаётган гамжурлиги учун Президентимизга ўзининг самимий миннатдорлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шу муносабат билан Дилфузанинг онаси Тожибар Матбобоевага табриқ хати йўллади. Унда шундай дейилади:

Ҳурматли Тожибар синглим!

Ававало, қизингиз Дилфуза эришган катта ютуқ — Японияда бўлиб ўтган халқаро расмлар кўргазмасида биринчи ўринни қўлга киритгани билан сизни ва барча оила аъзоларингизни табриқлайман.

Ўртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган оддий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, авваламбор, ҳаётга умий ва шонли билан қадам қўётган, унинг-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қувончи, миллий ғуруримизни оширадиган, маънавий салоҳиятимизни намоён этадиган яна бир далил, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Менга йўллаган хатингизни ўқиб, сизнинг кўп-кўп қийинчиликлардан, ҳаёт синовларидан ўтган инсон эканлигингизни англадим. Лекин ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз инсонийлик фазилатларингизни сақлаб, бундай хуСУСИЯТЛАРИНИ фарзандларингизга, аввало, менинг набирам Дилфузага сингдирганингиз таҳсинга сазовордир.

Мамлакатимизда сиз каби ота-оналар кўпайиб бораётганини, улар сиймосида биз эртанги кунимизни, яъни болаларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган авлод бўлиб камол топишида фидойийлик кўрсатаётган инсонларнинг ҳиссасини кўриб, бениҳоя қувонамиз.

Бундай интилишлар билан яшайётган халқнинг ҳаёти албатта фаровон бўлади, бундай давлатнинг келажаси албатта буюк бўлади.

Олмоқ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин. Хонадонингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака, қувонч аримасин.

Ҳурмат билан,
Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

17 март куни Дилфуза ўқийдиган лицейда катта тантана бўлиб ўтди. Унда Президентнинг давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелибоев Ўртбошимиз-

нинг мактубини ўқиб эшиттирди. Дилфузага Президентимиз номидан қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Тадбирда вилоят ҳокими Қ.Обидов қатнашди. (ЎЗА).



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНАДМИ?

Уйғонувчи боғларни кездим,
Тоғай дедим қордан изингни.
Уйғонгдан ранг олган дедим —
Лозазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгуларда сакрайди оху,
Наъматакда сазва миттигон.
Қорликлардан сипқорилган сув
Дараларда уради жавлон.
Ногоҳимдан сен фақат пинҳон,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залварни тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Кўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман:
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Наврўз айёмида таваллуд топган севимли шоиримиз ижодига доир мақола билан 3-бетда танишасиз

ФЕСТИВАЛ КЎП НАРСА БЕРДИ

Ўтган сонимизда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи давлат академик театрида "Internet.UZ" биринчи миллий интернет фестивали бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, бундай фестивал хар доим, хар жойда бўлавермайди. Уни ташкил этиш, ўтказиш учун юксак интеллектуал салоҳият зарур бўлади.

Фестивал мамлакатимизнинг ақлий салоҳиятини, замонавийнинг энг мукаммал ахборот технологиясига бўлган юрдошларимиз қизиқишларини, интернет соҳасидаги ёш истеъдодларимизни намоён этди.

Фестивал биринчи бор ўтказилаётган бўлишига қарамай, унга 17 йўналиш бўйича 164 муаллифининг 213 иши таъсия қилинган эди. Айниқса, ёшларимизнинг фаолигида ўтган фестивал ютуқларидан яна бири, шу тадбир нати-



жасида Ўзбекистондаги интернет сайтиларнинг миқдори 20 фоизга ортди, мавжудларидан 50 фоизи янгиланди. Ҳакамлар ҳайати қарори билан 16 та йўналиш бўйича голиблар аниқланиб, улар махсус совринлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Хўш, "Internet.UZ" — биринчи миллий интернет фестивали бизга нима берди? Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг йил бошида ўтказилган йиғилишида Интернет ва бошқа глобал ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали Миллий ахборот тизимини шакллантириш дастури белгилаб олинган. Ва бу бар-

касига эътибор ўзгача. Ўқув муассасалари энг юқори стандартларга мос жиҳат ва технологиялар билан таъминланмоқда. Кўплаб олий ўқув юрталари, лицей ва коллежлар, мактаблар махсус компьютер аудиторияларига эга. Зеро, соҳасида билимларга эга бўлиш "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан кўзланган асосий мақсадлардан биридир. Айтиш жоизки, юртимизда юксак технологиялар билан "тиллашадиған" кадрлар етиштиришда, компьютер дастурчиларининг миллий мактаби яратилапти. Фестивал баҳона мутахассисларимизнинг билим даражалари баҳоланди, жамоатчилик эътибори бу соҳага яна бир бора жалб қилинди. Миллий ахборот тизимини шакллантиришда амалий кадам қўйилди.

Узбекистонда 1999-2003 йилларга мўлжалланган Интернет орқали маълумотлар узатиш миллий тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш дастурига кўра, ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш, ягона ахборот макони яратиш каби ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистонда юксак технологияларга қизиқишни оширишга, ахборот билан таъминланганликнинг афзалликларини уқтиришга қаратилган.

Бугун ҳамма соҳа, ҳатто кадрлар ҳам ўз имкониятларини шу тарзда рўёбга чиқариши сир эмас.

Шу боис, давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш — таълим со-

ҳасида эътибор ўзгача. Ўқув муассасалари энг юқори стандартларга мос жиҳат ва технологиялар билан таъминланмоқда. Кўплаб олий ўқув юрталари, лицей ва коллежлар, мактаблар махсус компьютер аудиторияларига эга. Зеро, соҳасида билимларга эга бўлиш "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан кўзланган асосий мақсадлардан биридир. Айтиш жоизки, юртимизда юксак технологиялар билан "тиллашадиған" кадрлар етиштиришда, компьютер дастурчиларининг миллий мактаби яратилапти. Фестивал баҳона мутахассисларимизнинг билим даражалари баҳоланди, жамоатчилик эътибори бу соҳага яна бир бора жалб қилинди. Миллий ахборот тизимини шакллантиришда амалий кадам қўйилди.

Ахждоғларимиз Наврўз кунини қоинот билан, бу ёруғ олам билан уйғун тарзда таърифлашган экан. Беруний бобомиз эътироф этганлар: "Наврўз оламининг бошланishi ва яратилишига далил қилинган. Айтишларича, шу кун Яратган, фалаклар ҳаракатсиз турганда, уларни сайр эттириб юборган. У Кўёшни даққалари нон урвоқларидай табаррук экан. Байрам баҳона, тириклик қадрига етамиз. Кўнгиллар эзгу туйғуларга ошно бўлади, дийдамига юмшайди, ўтганларни ёдга оламиз, хасталардан хол сўраймиз — уст-бошимиздан тортиб дастурхонимизгача, ўй-хаёлларимиздан руҳиятимизгача Наврўзнинг тозартурувчи, бойитувчи, лаззат ва чирой бахш этгувчи одатлар.

Ахмед ОТАБОВЕВ

Саёҳатга борамиз

3-бет

«Қизил гулинг бўлойин»

4-бет

Ёш хунармандларга баҳор тухфаси

Йигит ўз отасини қандай топди?

2-бет



• 17 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Навоий вилоятидаги саннат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида Зарафшонда бўлди — давлатимиз раҳбари шу кунни фосфорит рудаси казиб олинаётган Тошқўра карьерини, биринчи навбати Наврўз байрами арафасида тўла қувват билан ишлай бошлаган Қизилқум фосфорит комбинати ва Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Мурунгов олтин қонига борди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг Бирлашиш, савдо ва ташқи ишлар бўйича қўмитаси аъзоси Чо Вон Гю бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.
• Сув тошқини оқибатида зарар кўрган Украина халқига инсонпарварлик юки ортилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг ИЛ-76 самолёти Львов шаҳрига келиб қўнди.
• Брюсселда "Сinema-NOVA" кино-ассоциацияси томонидан ташкил этилган фестивал доирасида ўзбек режиссёри Юсуф Розиковнинг "Воиз" фильми премьераси бўлиб ўтди.

• БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарий барча аъзолари Фаластин билан Исроил ўртасида ҳудудга халқаро кузатувчилар жойлаштиришни ёқлаб чиқди.
• Никарагуа конгресси Гондурас ҳукуматини "ҳарбий бузғунчилик"дан тийилиб туришга қажирди.
• Салвадор аҳолиси ўтган пайшанба куни юз берган кучли zilзиладан ваҳимага тушмоқда, унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 5,7 баллга етган эди.

• Тбилисида Грузия ва Туркия давлатлари вакиллари ўртасида ҳарбий соҳада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.
• Шу кунларда Нью-Йоркдаги Бруклин тумани федерал судида Россия ва Беларус иттифоқи котиби П.Бородинни гаров пули эвазига озод этиш борасида навбатдаги суд жараёни бошланиш арафасида турибди.

